

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

564 Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1509-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги 15/4-сон қарори (рўйхат рақами 1509, 2005 йил 20 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 34-36-сон, 265-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 26 ноябрь,
38/4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил
26 ноябрдаги 38/4-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 14-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш мақсадида охириги 3 йиллик ҳисобот даври учун тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим

қилган бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно;».

2. 41-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иштирокчи банклар синдициялаштирилган кредит бўйича қарз олувчининг тўловга қобилиятлилик даражасида муаммолар пайдо бўлганлиги аниқланган тақдирда эҳтимолли йўқотишларни қоплаш учун Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) мувофиқ синдициялаштирилган кредитдаги улуши ҳажмида захиралар яратишга мажбурдирлар.».